

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАСИНОВ АХМАДЖОН ХАСАНЖОН ЎҒЛИ

**ГЕОЛОГИК-ГЕОФИЗИК МАЪЛУМОТЛАР МАЖМУАСИ АСОСИДА
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИ ЕР ҚОБИҒИНИ ТУРЛАРГА АЖРАТИШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўхтасинов Ахмаджон Хасанжон ўғли

Геологик-геофизик маълумотлар мажмуаси асосида Ўзбекистон худуди ер қобиғини турларга ажратиш..... 3

Тўхтасинов Ахмаджон Хасанжон ўғли

Типизация земной коры территории Узбекистана на основе комплекса геолого-геофизических данных..... 19

Tukhtasinov Akhmadjon Khasanjon o'gli

Typification of the Earth's crust of the territory of Uzbekistan on the basis of geological and geophysical data set..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАСИНОВ АХМАДЖОН ХАСАНЖОН ЎҒЛИ

**ГЕОЛОГИК-ГЕОФИЗИК МАЪЛУМОТЛАР МАЖМУАСИ АСОСИДА
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИ ЕР ҚОБИҒИНИ ТУРЛАРГА АЖРАТИШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/GM123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.seismos.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Атабаев Дилшот Хусайнбаевич геология-минералогия фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Хамидов Лутфулла Абдуллаевич физика-математика фанлари доктори
	Юлдашев Гофир Юлдашевич геология-минералогия фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Сейсмология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 й. «21» февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Тел.: +99871 - 241-51-70; +99871 - 241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (1148-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел. +99871 - 241-51-70.

Диссертация автореферати 2023 йил «6» февраль куни тарқатилди.

(2023 йил «6» февралдаги 11-рақамли реестр баённомаси)

К.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

З.Ф. Шукуров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

С.Х. Максудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида геологик-геофизик маълумотларни мажмуавий талқин қилиш орқали углеводородга истиқболли ҳудудларни ажратишда замонавий геоинформацион технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ер қобиғини турларга ажратишда эндоген жараёнларни замонавий кластер таҳлил натижалари углеводородларнинг тўпланиш зоналарини прогноз қилишда, нефт ва газга истиқболли ҳудудларни ажратишда долзарб аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида келгусида янги углеводород конларини аниқлаш, уларни қазиб олиш ҳамда захираларини ошириш орқали давлатларнинг минерал-хом ашё базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дунёда углеводород уюмларига истиқболли ҳудудларни қидириб топиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, замонавий эндоген режимлар билан ер қобиғини турларга ажратиш, нефть ва газга истиқболли ҳудудларни миқдорий таҳлил қилиш орқали моделлаштириш, геологик-геофизик маълумотларни кластер таҳлили асосида ҳудудларнинг сейсмик хавфини баҳолаш, ер қобиғининг замонавий тузилиши ва эндоген жараёнларни комплекс таҳлил қилиш орқали углеводородларга истиқболли ҳудудларни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантиришга ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилиши натижасида геологик ва геофизик қидирув ишлари жадаллаштирилиб, янги фойдали қазилма конлари захираларини аниқлаш ҳамда ҳудудларни сейсмик хавфсизлигини таъминлашда маълум ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш..., иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада ер қобиғининг замонавий тузилиши ва геофизик майдон параметрлари асосида турларга ажратиш, эталон сейсмик объектларни миқдорий таҳлил қилиш ҳамда математик моделлаштириш асосида ер қобиғининг нефть ва газ генерацияси потенциали ва сейсмотектоник ҳолатини баҳолашда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон “Фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг - VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган нефть ва газдор регионларда углеводород конларининг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш, сейсмик фаол ҳудудларни хавфини баҳолаш мақсадида ер қобиғининг замонавий ҳаракати ҳамда уни турларга ажратиш бўйича катта ҳажмдаги ва турли миқёслардаги геологик-геофизик қидирув ишлари амалга оширилган. Ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари Д.И.Мушкетов, Х.М.Абдуллаев, В.И.Попов, И.Х.Хамрабаев, В.И.Попов, Т.Н.Долимов, В.И.Троицкий, В.Г.Гарьковец, И.А. Фузайлов, А.А.Абидов, Ф.Х.Зуннунов, Б.Б.Таль-Вирский, Т.Л.Бабажанов, О.П.Мордвинцев, Г.С.Абдуллаев ва Ф.Г.Долгополов, И.А.Резанов, С.Д.Макарова, И.Е.Губин, Е.М.Бутовская, В.И.Уломов, Р.Н.Ибрагимов, А.А.Борисов, Ғ.А.Мавлянов, А.Р.Ярмухамедов, Қ.Н.Абдуллабеков, С.Х.Максудов, Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов ва бошқаларнинг илмий ишларида батафсил баён этилган.

Ўтган давр мобайнида олимлар томонидан олиб борилган геологик-геофизик, тектоник ва сейсмологик тадқиқотларда геодинамиканинг маълум концепцияси асос қилиб олингани учун мажмуавий талқин қилинмаган. Яъни, олиб борилган тадқиқотларда асосий эътибор сифатли таҳлилларга қаратилган. Ер қобиғининг замонавий эндоген режимлар турларини ўрганиш Ўзбекистон ҳудудининг эволюцияси, нефть ва газ конларини прогнозлаш ва эҳтимолий зилзила ўчоқларини аниқлашда янги имкониятларни очиб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Замонавий Эндоген режимлар ва Ўзбекистон ер қобиғининг нефть-газ ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳудудларни прогнозлаш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда №Ф-8-001 «Геологик-геофизик маълумотлари асосида Жанубий Ўзбекистон туз усти ва туз ости тектоник тузилишининг қонуниятлари» (2016-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геологик-геофизик маълумотлар мажмуаси асосида Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғини турларга ажратиш ҳамда углеводород уюмларига истиқболли майдонларни прогнозлаш ва сеймотектоник потенциални баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғини турларга ажратиш мақсадида мавжуд геологик-геофизик маълумотларни таҳлил қилиш;

тадқиқот ҳудуди ер қобиғининг фаоллиги ва эволюциясини акс эттирувчи замонавий эндоген режимлар харитасини тузиш;

углеводород турлари бўйича табақалаштирилган Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғининг нефть, газ ва конденсатга истиқболли майдонлар харитасини тузиш;

максимал магнитуда бўйича табақалаштирилган Ўзбекистон ҳудудининг эҳтимолий зилзила ўчоғи зоналарининг прогноз харитасини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудининг ер қобиғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети геологик жараёнлар, замонавий эндоген режимлар, тектоник структуралар, геофизик майдонларнинг параметрлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғининг турларга ажратишда, геофизик майдонлар аномалияларини талқин қилишда, углеводородларнинг тўпланиш ҳудудларини ҳамда эҳтимолий зилзила ўчоқларини прогнозлашда геологик-геофизик маълумотларни мажмуавий кластер таҳлили, замонавий эндоген режимларни ажратиш, ер қобиғининг эволюцияси ва ундаги углеводородларни тўпланиш эҳтимоли бўлган майдонларни ҳамда ер қобиғининг сейсотектоник потенциалини баҳолаш услуларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудуди бўйича замонавий эндоген режимларнинг платформа ва ороген босқичларининг тафроген режим билан алмашилиш зоналари аниқланган;

ер қобиғидаги нефтьгаздорлик ва сейсмикликнинг замонавий эндоген режимлар тизимида таҳлил қилиш услубияти ишлаб чиқилган;

илк бор замонавий эндоген режимлар ва углеводород уюмлари тўпланиши билан боғлиқликлар асосида углеводород конларига прогноз майдонлари аниқланган;

замонавий эндоген режимлар ва сейсмиклик билан боғлиқликлар асосида Ўзбекистон ҳудуди учун максимал магнитуда бўйича табақалаштирилган эҳтимолий зилзила ўчоқлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғининг эволюцияси ва унда кечаётган геодинамик жараёнларни акс эттирган замонавий эндоген режимлар харитаси тузилган;

Ўзбекистон ҳудудининг нефть, газ ва конденсат конларини прогнозлаш хариталари тузилган;

максимал магнитуда бўйича Ўзбекистон ҳудудининг табақалаштирилган эҳтимолий зилзилаларни прогноз харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Натижаларнинг ишончлилиги 8 ва ундан ортиқ геологик-геофизик параметрлар хариталари, математик статистика ва кластер таҳлиллар асосида ажратилган ер қобиғи турларининг эталон 214 та углеводород конлари, 240 дан ортиқ зилзилаларнинг каталог маълумотларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғининг ҳозирги замон эволюцияси, ундаги платформа, ороген ва тафроген эндоген режимларнинг геодинамик ҳолатга таъсири орқали ҳудуднинг тектоник ривожланишини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғида углеводород конлари тўпланиши эҳтимоли бўлган майдонлар харитаси ҳамда M_{max} бўйича табақалаштирилган эҳтимолий зилзила ўчоқ зоналарининг прогноз харитаси геологик қидирув ишлари самарадорлигини оширишга ва сейсмоген зоналарни ажратишга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғини замонавий эндоген режимлар ва эволюцияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

геологик-геофизик маълумотларни кластер таҳлил қилиш орқали тузилган Ўзбекистон ҳудудининг замонавий эндоген режимлар харитаси “Ўзбекгеофизика” АЖ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 7 октябрдаги 32-4763-сон маълумотномаси). Натижалар Республика ҳудудининг углеводород потенциалини баҳолашга ҳамда геофизик ишларни лойиҳалаштиришга имкон берган;

замонавий эндоген режимлар ва углеводород конлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлили ҳамда айрим ер қобиғи турларида углеводород потенциали юқори ҳудудлар харитаси “Ўзбекгеофизика” АЖ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 7 октябрдаги 32-4763-сон маълумотномаси). Натижалар геофизик қидирув ишларини лойиҳалаштиришга имкон берган;

ер қобиғини турларга ажратилиб тузилган углеводород конлари бўйича прогноз харита “Ўзбекгеофизика” АЖ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 7 октябрдаги 32-4763-сон маълумотномаси). Натижалар геофизик қидирув ишларини лойиҳалаштиришга имкон берган;

геологик-геофизик маълумотларни кластер таҳлил қилиш усули асосида Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғида кечаётган жараёнларни баҳолаш орқали тузилган замонавий эндоген режимлар ва унинг эволюциясини акс эттирувчи харита Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 2 октябрдаги 4/4/35-2841-сон маълумотномаси). Натижалар Республика ҳудудининг сеймотектоник потенциалини баҳолашга, кучли зилзилалар жойи ва магнитудасини аниқлашга имкон берган;

замонавий эндоген режимлар ва сейсмиклик ўртасидаги боғлиқликларни статистик таҳлили асосида ер қобиғининг айрим турларида ажратилган сеймотектоник потенциали юқори ҳудудлар харитаси ($M_{max}=7.0-7.5$) Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази амалиётига жорий

қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 2 октябрдаги 4/4/35-2841-сон маълумотномаси). Натижалар Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими учун кучли зилзилалар содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудларни ажратиш имконини берган.

ер қобиғининг турларга ажратишда ер ёриқлари тектоникаси ва сейсмологик маълумотлар асосида Ммах бўйича табақалаштирилган эҳтимолий зилзила ўчоқлари харитаси Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 2 октябрдаги 4/4/35-2841-сон маълумотномаси). Натижалар Республиканинг сейсмик режимини мониторинг қилиш, сейсмик, геофизик ва гидрогеосейсмологик кузатиш пунктлари тўртини оптималлаштиришда сейсмотектоник шароитларни ҳисобга олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан, 10 та тезис, 6 таси илмий мақола. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шу жумладан, 3 таси республикада ва 2 таси хорижий илмий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, унинг мақсади ва вазифаларига таъриф берилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб ўтилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Геодинамик жараёнларни геологик-геофизик маълумотлар мажмуаси билан ўрганиш усуллари**нинг таҳлили» деб номланган биринчи бобида ҳудуднинг геологик тузилиши, геодинамик жараёнлар, Ер қобиғининг тузилиши, уни ҳаракатга келтирувчи жараёнларни ўрганиш кўриб чиқилган, геологик-геофизик ўрганилганлиги таҳлил қилинган, тектоникаси ва геологик ривожланишининг асосий босқичлари ёритилган.

Ҳудуднинг геологик тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги фикрлар Д.И.Мушкетов, Х.М.Абдуллаев, В.И.Попов, И.Х.Хамрабаев, Т.Н.Долимов,

В.И.Троицкий, В.Г.Гарьковец, Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов, ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ёритилган.

Лекин шунга қарамай, худуднинг геодинамикаси бўйича ягона қарашлар мавжуд эмас. Бу қарашлар турли геодинамик концепцияларга асосланган. Ҳозирги кунда, Ўрта Осиё худуди геодинамикаси ва ер қобиғининг эволюцияси литосфера плиталари тектоникаси нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон худуди ер қобиғининг ички тузилишини ўрганиш И.Х.Хамрабаев, В.И.Попов, И.А.Фузайлов, А.А.Абидов, Ф.Х.Зуннунов, Б.Б.Таль-Вирский, Т.Л.Бабажанов, О.П.Мордвинцев ва бошқалар томонидан бошланган. Республика худудининг жанубий ва шарқий қисмларининг чуқурлик тузилиши геофизик маълумотлар (сейсмологик) асосида ўрганилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон худудининг геодинамикасини ўрганиш бўйича А.А.Абидов, Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов, Б.С.Нуртаев, Д.Х.Атабаевларнинг илмий ишларини келтиришимиз мумкин.

Худуднинг геофизик ўрганилганлиги 1950-1960-йилларда ўтказилган 1:200 000 ва 1:500 000 масштабдаги гравиметрик ва магнитометрик хариталаш (В.Г.Воробьёв, Л.Н.Котляревский, З.А.Макарова, И.А.Фузайлов ва б.) ишлари билан, сейсмик тадқиқот ишлари: узунлиги 314 км лик Қорабекаул-Кўйтош профили (Б.С. ва И.С. Вольвовскийлар 1959) (Б.Б.Таль-Вирский, И.Х.Хамрабаев 1977), узунлиги 440 км бўлган Фароб-Боботоғ профили (Р.И.Абрамсон, А.В.Егоркин 1962), МОВ ва КМПВ тизимлари бўйича узунлиги 410 км бўлган Фароб-Томдибулоқ профили (В.З.Рябой, Н.И.Давидова ва б., 1964-1965), узунлиги 523 км Арис-Балхаш профили (Пушкарев И.К. ва б., 1965), электроразведка тадқиқотлари МТЗ ва ГМТЗ усуллари (Р.М.Гатин, В.Г.Дубровский, М.Д.Басов, А.Д.Сафронова, А.Г.Амирхонов, И.М.Шуруев, Н.М.Рашидов ва б.) билан намоён бўлган. Бу ишларнинг натижалари кейинги изланишлар учун асос вазифасини ўтаган. Сўнгги йилларда МОВЗ усули билан (Д.Х.Атабаев 2009, 2012, 2020), электроразведка МТЗ усули билан (Ғ.Юлдашев 2020), гравиразведка, магниторазведка, иссиқлик оқимлари, бурғилаш ва сейсморазведка маълумотларини комплекс талқин қилишга асосланган (А.Ш.Закиров, 2011) ишларни алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Худуднинг сейсмологик ўрганилганлигига турли йиллардаги Г.Н.Горшков (1933, 1948, 1949), В.В.Попов ва И.А.Резанов (1955), В.И.Попов (1955), С.Д.Макарова (1955), И.Е.Губин (1960), Е.М.Бутовская, В.И.Уломов, Р.Н.Ибрагимов (1970, 1975, 1982), А.А.Борисов ва бошқалар (1976, 1978), Ғ.А.Мавлянов, Д.Х.Якубов, А.Р.Ярмухамедов (1983) тадқиқотлари катта ҳисса қўшган. Ушбу ишларнинг ривожланиши тектоника ва сейсмиклик ўртасидаги умумий муносабатларни тушунтиришдан сейсмотектоник тузилмаларни аниқлашга, яъни бевосита сейсмиклик генезисини тушунтиришга ўтишга бўлган уринишларга олиб келди.

Сейсмик хавфни баҳолашнинг палеосейсмологик усуллари турли йилларда Г.И.Горшков (1973), В.К.Кучай (1973), А.К.Ходжаев (1985), M_{\max} ни минтақавий хариталаш усуллари Ю.В.Хоменюк (1973), В.И.Бунэ, В.Г.Гитис,

Ю.К.Щукин (1980), В.Г.Гитис, М.А.Миронов, В.И.Бунэ, В.Г.Бичев (1982), М.К.Алимов (1990), Д.Д.Хусанбаев (1990), И.М.Алимухамедов (2011) худуднинг кучли зилзилалар содир бўлиши мумкин бўлган соҳаларини ажратиш имконини берган.

Зилзилаларни юзага келиши сабаблари, улар содир бўладиган худудларнинг геологик, тектоник шароитлари ва зилзилани келтириб чиқарадиган бошқа омиллар ЎзРФА Сейсмология институти томонидан олиб бориладиган фундаментал тадқиқотлар доирасида амалга оширилиб келинмоқда. Олинган натижалар илмий журналлар, тўпламлар ва монографияларда чоп этилиб келинмоқда (Қ.Н.Абдуллабеков, С.Х.Максудов ва бош., 2002, Сейсмологические предвестники, 1996).

Сўнгги йиллардаги изланишлардан Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов, Т.Л.Ибрагимова, М.А.Мирзаевларнинг (2016, 2017, 2018, 2019), А.И.Туйчиев (2020) илмий ишлари алоҳида ўрин тутди.

Диссертациянинг «**Геологик-геофизик маълумотлар комплекси асосида ер қобиғини турларга ажратиш**» деб номланган иккинчи бобида замонавий эндоген режимларни ўрганиш ер қобиғини ҳозирги замон ҳолатини ва тузилишини белгиловчи геологик-геофизик маълумотлар ёрдамида турларга ажратишга асосланган. Бунда бошланғич геологик-геофизик маълумотлар бутун ўрганилаётган худуд бўйича бир текис тақсимланган бўлиши керак. Энг асосийси бошланғич маълумотларни танлаш қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши керак: а) танланган физик параметрлар доимий равишда ер қобиғининг катта майдонларини тавсифлаши ва шу билан бирга бир тузилиш зонасидан иккинчисига ўтишда сезиларли ўзгариши керак; б) олинган қийматлар миқдорий аниқликка эга бўлиши ва тажриба усуллари билан ишончли тарзда ўрнатилиши керак; с) параметрларни танлашда уларнинг маълум бир геологик шароит билан алоқасини, шунингдек, агар улар орасидаги корреляциялар қўлланилса, улар бошқа белгиларни қанчалик алмаштириш мумкинлигини ҳисобга олиш керак; д) таҳлилда бир-бири билан яхши боғланган бир бирини такрорловчи бўлган дастлабки маълумот турларидан фойдаланмаслик керак. Асосан, дастлабки маълумотларни танлаш мақсадга мувофиқ деб белгиланади. Ер қобиғини турларга ажратишда геологик ва геофизик маълумотлар унинг замонавий ҳолатини тавсифлаши керак.

Ҳозирги вақтда турли хил усуллар иссиқлик оқими ва фаол тектоник ҳаракатлар ўртасидаги алоқани ишончли тарзда ўрнатади. Маълум бўлишича, иссиқлик оқимларининг ортиши ёш бурмаланиш зоналарини, замонавий рифт ва фаол чуқур ёриқлар зоналарини тавсифлайди.

Ер қобиғини турларга ажратишда куйидаги геологик-геофизик маълумотлар комплексини қўллаш мақсадга мувофиқ деб танлаб олинди: иссиқлик оқимининг зичлиги, ер қобиғининг қалинлиги, замонавий рельефнинг баландликлари, оғирлик кучининг изостатик аномалиялари, палеозой пойдевори ётиши чуқурлиги, ΔT магнит аномалиялари, ер ёриқларининг зичлиги, неотектоник ҳаракатлар амплитудаси.

Танланган геологик-геофизик маълумотлар кластер анализ усули билан талқин қилинган. Ушбу таҳлилдаги бирлаштириш мезонлари кўп ўлчамли фазодаги барча параметрлар мажмуасига яқинлик ўлчови сифатида хизмат қилиши мумкин. Кластер таҳлил қилиш муаммосини ҳал қилиш, бошланғич маълумотлар комплекси билан тавсифланган, юқори даражадаги объектларга эга бўлган бир хил даражали объектларни ажратишдир, уларнинг ҳар бири фақат бир хил манба маълумотларининг ўзига хос қийматлари тўплами билан тавсифланиши мумкин.

Ушбу тадқиқот ишида кластер таҳлиллардан к-ўртача Мак-Куин – усулидан фойдаланилди. Классификация принципи айрим оптимал бўлинишлар амалга ошмагунича муайян миқдордаги кластерлар (синфлар, гуруҳлар, популяциялар) бўйича кўплаб объектларнинг тасодифий, дастлабки бўлинишига, кейинчалик бошқа объектларни энг яқин кластерларга қайта тақсимлашга, кластерларнинг янги "оғирлик марказларини" қайта ҳисоблашга ва таърифланган процедурани давом эттиришга хизмат қилади. Усулнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳисоб-китоблар натижасида ажратилган кластерлар устма-уст тушмайди, ҳар бир ажратилган объект фақат битта кластерга тегишли бўлиши кафолатланади.

К-ўртача усули ёрдамида кластер таҳлилни ўтказиш учун тадқиқотчи томонидан ушбу диссертация ишида STATISTICA v 6.0. дастури қўлланилди.

Дастур к-тасодифий танланган гуруҳлар билан бошланади ва кейинчалик объектларнинг уларга тегишлилигини ўзгартиради: биринчи навбатда кластерлар ичидаги ўзгарувчанликни камайтириш ва иккинчидан кластерлар ўртасидаги ўзгарувчанликни максимал даражада ошириш.

Яқинлик ўлчови сифатида Эвклид масофасидан фойдаланилди:

$$L_{n,e} = \left\{ \sum_j (X_j^n - X_j^e)^2 \right\}^{\frac{1}{2}}$$

Бунда, X_j^n ва X_j^e – n ва e га мос дастлабки тавсифлар.

Бунда масофанинг кичик қиймати объектларнинг бир-бирига ўхшаш ёки “яқин” эканлигини, катта қиймат эса ўхшашлик мавжуд эмаслигини кўрсатиши табиийдир.

Кластер усулини қўллашда бутун тадқиқот майдони бир хил ўлчамдаги ячейкаларга (20' x 30' даражали географик тўр) бўлинади. Бу 1:100 000 масштабдаги топографик хаританинг битта планшетида тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 339 ячейкага бўлинди, ҳар бир ячейка юқорида қайд этилганидек, 20' x 30' даражага мос келади. К-ўрта усули орқали олиб борилган кластер таҳлиллар ёрдамида барча дастлабки маълумотлар тўплами икки босқичда (25, 200 қадам билан) кластерларга бўлинган.

Кластер таҳлилни ўтказгандан сўнг интерпретация қилиш учун оптимал босқични танлаш, асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудуди замонавий эндоген режимлар турлари учун ушбу босқичда 25 та кластер орқали қобик турларига ажратилди. 25 та кластерга ажратилган турнинг ҳар бири ўзининг индивидуал белгилари комплексига эга.

Ўзбекистон ҳудуди бўйича ажратилган 339 та ячейкалар кластер турлари

бўйича рақамлаштирилган харита шакллантирилди. Ушбу харита ер қобиғини туркумлаш натижалари (25 тур) ҳудуднинг мавжуд тектоник хариталари билан яхши боғлиқдир. Туркумлаш харитасини кўриб чиқишда кластерларнинг тақсимланишида бир хил уюшмаларининг кўп марта қайтарилиши тенденцияси мавжуд. Ҳар хил турдаги қобиклар орасидаги чегарани кесиб ўтишда уларнинг қиймати камаяди ёки ортади, лекин улар йўналишини ўзгартирмайди. Бу қуйидагиларни аниқлаштириши мумкин: ҳар хил турдаги қобикни ажратиш турадиган бир хил турларнинг чегаралари доимий равишда кесиб ўтилганда, шу кунгача эришилган ер қобиғининг эволюцияси жараёнининг намоён бўлишининг турли босқичлари минтақалари бир хил кетма-кетликда алмашилади. Ушбу ҳолат замонавий эндоген режимларни аниқлаш вазифасини ҳал қилиш учун туркумлаш натижаларидан фойдаланишга имкон беради.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ҳудудининг замонавий эндоген режимлари**» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғининг ривожланиш босқичлари бўйича замонавий эндоген режимлар турларини ажратиш методикаси, тузилган харита натижалари, Замонавий эндоген режимларнинг нефть ва газ конлари ва зилзилалар билан боғлиқлик таҳлили натижалари келтирилган.

Геологик-геофизик маълумотлар комплекси асосида кластерларга ажратилган, Ўзбекистон ҳудуди рақамлаштирилган харитасини ер қобиғининг замонавий эндоген режимлари турлари чегаралари бўйича ажратиш, сўнгра олинган қобик турларининг чегараларини таҳлил қилиш замонавий эндоген режимларни аниқлаш ва ер қобиғининг ривожланишини башорат қилиш имконини беради.

Замонавий эндоген режимларни аниқлашда асосий муаммо қобик турлари ўртасидаги муносабатларни аниқлашдир. Эндоген ҳамда замонавий эндоген режимларни аниқлаш бўйича илгари қилинган ишларда чегараларнинг учта тури мавжудлиги аниқланган: конструктив чегара, бунда иссиқлик оқимининг қийматлари ва ер қобиғининг қалинлиги ортади. Деструктив чегара, бунда иссиқлик оқими кучаяди ва ер қобиғининг қалинлиги камаяди. Учинчи турдаги чегаралар билан, асосий белгиларнинг хатти-ҳаракати одатда сақланмайди ёки бу белгиларнинг ўзгариши аҳамиятсиз ёки улар фақат биттаси учун қайд этилади. Шу билан бирга, замонавий эндоген режимларни аниқлашда муҳим вазифа у ёки бу ҳудудни турли режимларнинг намоён бўлиш соҳасига киритиш имконини берадиган бир қатор белгилар учун чегара қийматларини аниқлашдир.

Замонавий эндоген режимларни аниқлаш, чегаравий қийматларини (порог) танлашда ушбу диссертация ишида Г.И.Рейснер томонидан тузилган жадвалдан фойдаланилган (Г.И.Рейснер ва б., 1993).

Ўзбекистон ҳудуди геологик-геофизик параметрларини комплекс кластер таҳлил қилиш орқали замонавий эндоген режимларнинг фазовий тақсимланиши шуни кўрсатадики, ўрганилаётган ҳудуд чегарасида ҳозирги вақтда активликнинг турли фазаларида жойлашган замонавий эндоген

режимларнинг 7 та (иссиқ платформа, илиқ платформа, совуқ платформа, ороген 1-босқич, ороген 2-босқич, ороген 2-босқич тафроген билан алмашган, ороген 3-босқич тафроген билан алмашган) турлари ажратилган. Асосий замонавий эндоген режимлар 3 та платформали, ороген ва тафроген.

Ўзбекистонда ер қобиғининг геологик тузилиши, замонавий эндоген режимлар ҳақидаги маълумотлар ва энг сўнгги тектоник ҳаракатлар билан боғлиқлигини ўрганиб, юқоридаги илмий назариялар асосида замонавий эндоген режимлар ва нефть ва газ конлари боғлиқлиги ҳақида хулосалар чиқарилди.

Ушбу муносабатларни тегишли таҳлил қилиш доирасида маълум углеводород конлари ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистонда замонавий эндоген режимларнинг тарқалишига оид маълумотлар билан солиштириш мумкин.

Нефть ва газ конлари ҳақидаги маълумотлар Геология ва нефть-газ қидирув институти ходимлари томонидан 2019 йилда тасдиқланган нефть ва газ конлари харитасидан олинди.

Диссертация ишида замонавий эндоген режимларга ажратилган ер қобиғи турлари харитасига нефть ва газ конларини координатаси бўйича жойлаштирилиб чиқилди. Натижада, жами 214 та углеводород конларининг 49% иссиқ платформа, 10% илиқ платформа, 31% орогеннинг фаол биринчи босқичга, 6% орогеннинг фаол иккинчи босқич ва 4% фаол ороген иккинчи босқичнинг тафроген билан алмашган эндоген режимларига тўғри келади.

Нефть ва газ конларини замонавий эндоген режимлар билан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирда мавжуд бўлган барча углеводород конлари иссиқлик оқимининг юқори қийматлари бўлган режимлар билан боғланган. Эндоген режимларнинг совуқ платформа режими ва ороген режими 3-босқичи тафроген режими билан алмашган ҳудудларида углеводород конлари аниқланмаган.

Замонавий эндоген режимларнинг сейсмиклик билан боғлиқлигини таҳлил қилиш. Ер қобиғини турларга ажратиш бўйича қурилган Ўзбекистон ҳудудининг Замонавий эндоген режимлар харитасида, ҳозирги кунга қадар содир бўлган зилзилаларини $M=4,0$ дан юқори кўрсаткичга эга бўлганлари ажратилди. $M=4,0$ бўлган барча зилзилалар у ёки бу замонавий эндоген режимни тавсифловчи $R(H(Q))$ диаграммасига туширилди.

Содир бўлган кучли зилзилаларининг замонавий эндоген режимлар билан боғлиқлиги шуни кўрсатдики, зилзилаларнинг қобиқ турлари бўйича тақсимланиши 38% иссиқ платформа, 3% илиқ платформа, 34% ороген 1 босқич, 16% ороген 2 босқич, 3% ороген/тафроген 2 босқич, 6% ороген 3-тафроген билан алмашган босқични ташкил қилади.

Замонавий эндоген режимлар билан углеводородлар тақсимланиши ва сейсмиклик ҳақидаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирда мавжуд бўлган барча углеводород конлари, содир бўлган кучли зилзилаларининг аксарият қисми юқори иссиқлик оқими қийматларига эга бўлган режимлар билан боғлиқ.

Юқоридаги натижалар, замонавий эндоген режимларни ажратиш учун қўлланилган кластер анализ усулини ер қобиғининг углеводород генерацияси потенциаллини ва сеймотектоник потенциалларни баҳолаш мақсадида қўллаш имконини беради.


Диссертациянинг «**Ер қобиғини турларга ажратиш натижаларини прогноз масалаларини ечишда қўллаш**» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон ҳудудининг нефть ва газ генерацияси ҳамда сеймотектоник потенциаллини белгиловчи майдонларни ажратиш натижалари келтирилган. Нефт-газ генерацияси потенциаллини прогноз қилиш учун юқоридаги замонавий эндоген режимларни аниқлашда ишлатилган ер қобиғини турларга ажратиш усули қўлланилди. Бироқ, бу ҳолда кластер таҳлилни амалга оширишнинг иккинчи босқичи танланди (200 та кластерга ажратиш). Кластер таҳлил процедураси иккинчи босқичида дастлабки параметрлари амалий жиҳатдан бир хил қийматга (яъни уларни ўлчаш аниқликларига мос келувчи) эга бўлган чегарада шу ва бошқа кластер ячейкаларида бирлашади. Шу билан бирга, танланган қобиқ турларининг сони кескин ошади ва уларнинг ҳар бирига киритилган ячейкалар сони камаяди.

Кластер таҳлил натижалари ва маълум нефт-газ конлари тўғрисидаги маълумотларни биргаликда кўриб чиқишда, 2-босқичи учун кластерлар бўйича конларни кўрсатувчи жадвал тузилди. Нефть ва газ конларига истиқболли ҳудудларни аниқлаш билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш учун ушбу кластерлар эталон ҳисобланади.

Тадқиқот ишида тузилган каталогда номенклатура варағи ва кластер рақамлари маълумотларидан фойдаланиб, углеводород конлари мавжуд ячейкаларни эталон ячейкалар сифатида фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон ҳудуди бўйича ажратилган 339 та ячейкага тарқатилади, шунда улар учта категорияга бўлинади, улар рақамли харитага туширилиб, ер қобиғининг бир хил турларига мансуб барча ячейкаларга тарқатилганидан сўнг нефть, газ ва конденсат конлари учун прогноз ячейкалар аниқланди (1-расм).

Ўзбекистон ҳудудида 61 та эталон ячейкалар, шу жумладан, 40 та ноёб (такрорланмас) турдаги ячейкалар мавжуд. Прогноз ячейкалар сони 30 тани ташкил этади, эталонлар ва прогнозли ячейкалар нисбати деярли 1:1 ни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир эталон ячейка ўртача тахминан битта прогнозга эга бўлиб, унда ер қобиғида нефть ва газ ҳосил бўлиши учун қулай шароитлар мавжуд деб ҳисобланади.

Прогноз масаласини ечишда услубий жиҳатдан сеймотектоник потенциални баҳолашда фақат ер қобиғининг замонавий тузилиши ва ҳолатини тавсифловчи маълумотлардан фойдаланиш лозим. Тадқиқот ишида сеймотектоник потенциални баҳолашда қуйидаги тизим (ер қобиғининг турлари – ер ёриқлари ҳақидаги маълумотлар – сейсмологик шароит) асосий ҳисобланади. Бундай тизим, зилзилаларини прогнозлашдаги “нишонни ўтказиб юбориш” ёки “ёлғон хавф” хатоликларини олдини олиш имконини беради.




1-расм. Ўзбекистон ху­ду­ди нефть, газ ва кон­ден­сат ҳосил бў­лиш потенциал­ларининг рақам­ли схематик про­гно­з харитаси

Ишлар натижасида ер қобиғини турларга ажратиш ва уларни Ммах бўйича табақалаштирилган харитаси тузилди унга кўра про­гно­з, эталон ва ноёб (такрорланмас) турдаги ячеёлалар аниқланди. Прогноз сифатида аниқланган майдонларда сейсмология институти ходимлари томонидан яратилган умумий сейсмик районлаштириш хариталарига мос келувчи ва ундан фарқли зоналар аниқланди.

Сейсмотектоник потенциални баҳолаш асосида Ўзбекистон Республикаси ху­ду­дида со­дир бўлган зилзилаларни эталон сифатида олиниб, бир хил кластерга бирлаштирилган ер қобиғи турларини “ўқитиш” ётади. Олинган натижалардан кўри­ниб турибдики (ўз-ўзини “ўқитиш”), ўрганилаётган ху­ду­днинг катта қисмида сейсмо­ло­гик маълумот етишмаяпти, яъни ху­ду­димизнинг катта қисмида со­дир бўлган инструментал ёки тарихий зилзилалар ҳақида маълумотлар кам. Агар биз изланишлар майдонини ошириб борсак, эталон зилзилалар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўламиз. Бунда биз кластер таҳлили учун олинган майдонда бир-бирига айнан ўхшаш ячеёлаларни аниқлаб, уларга Ммах қийматини беришимиз мумкин ва про­гно­з масаласини ечишда фойдаланган холда амалга оширишимиз мумкин. Буни умумий “ўқитиш” деб аталган формада Г.И.Рейснер ва Д.Д.Хусанбаевлар амалга оширишган. Евроо­сиё ва Ўзбекистон ху­ду­дларини кўшиб ўтказилган кластер таҳлили бўйича олинган натижалар диссертация ичида жадвал ва расмларда келтирилган.

Умумий “ўқитиш” бўйича ўтказилган кластер таҳли­ли­да ячеёлаларнинг геологик-геофизик кўрсаткичлари, муаллиф томонидан бажарилган кластер анализга солиштирилди ва ўхшаш геологик-геофизик кўрсаткичлари бўлган кластерлар ажратилди. 1929 йилдаги Чиили (Қозоғистон) 6,4 магнитудали зилзила со­дир бўлган ячеёлка геологик-геофизик кўрсаткичлари бўйича Тошкент 1886 йилдаги 6.0 магнитудали зилзила со­дир бўлган ер қобиғи тури билан бир хил бўлиб, уларнинг сейсмотектоник потенциал­ли бир бирини тасдиқлаши кузатилди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон ҳудудининг умумий “ўқитиш” бўйича сейсмотектоник потенциали схематик прогноз харитаси

Ер қобиғини турларга ажратиш ўхшаш қобиқ турларига эталон сифатида углеводород конлари ва содир бўлган зилзилаларни “ўқитиш” бўйича ҳудуднинг схематик прогноз хариталари тузилди. Углеводород конлари бўйича эталон ячейкаларга ўхшаш майдонлар прогноз сифатида углеводород тўпланиши мумкин деб танланди ушбу ҳудудларда геофизиканинг муфассал кидурув усулларини қўллаш учун тавсия этилди.

Сейсмотектоник ишлар натижасида ер қобиғини турларга ажратиш ва уларни Ўзбекистон ҳудудининг умумий “ўқитиш” бўйича сейсмотектоник потенциали схематик прогноз харитаси тузилди. Унга кўра прогноз, эталон ва ноёб (такрорланмас) турдаги ячейкалар аниқланди. M_{\max} прогноз сифатида аниқланган ҳудудлар сейсмология институти ходимлари томонидан яратилган умумий сейсмик районлаштириш (балларда келтирилган бўлса ҳам) ва сейсмоген зоналар хариталарига умуман мутаносиб келган, лекин баъзи сейсмоген зоналарнинг M_{\max} қийматларини аниқлаштириб, уларни табақалаштиришга хизмат қилган.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган геологик-геофизик тадқиқотлар натижалари ва геодинамик жараёнларни акс эттирувчи фонд маълумотлари йиғилди ва таҳлил қилинди. Ўзбекистон ҳудуди ер қобиғини кластер таҳлили орқали “Statistica” дастурида 8 та геологик-геофизик параметр бўйича 339 та ячейкада турли яқинлашиш меъёри орқали 25 ҳамда 200 та ер қобиғининг турлари ажратиб чиқилган.

2. Ер қобиғи, унинг замонавий тузилиши ва ҳолати тўғрисида геологик-геофизик маълумотларнинг комплекс таҳлили асосида Ўзбекистон

худудининг замонавий эндоген режимлари, унда содир бўлаётган жараёнларни акс эттирувчи ҳозирги босқичи ва эволюцияси харитаси тузилди.

3. Замонавий эндоген режимларнинг нефть ва газ конларига боғлиқлиги таҳлили шуни кўрсатдики, углеводородли конларнинг аксарият қисми иссиқ платформа (49%) ва 1-босқич ороген (31%) режимлари зонасида жойлашганлиги аниқланган. Бу ҳолат ер қобиғида углеводородларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақидаги замонавий қарашларга тўлиқ мос келади.

4. Тадқиқот иши давомида, яқинлик меъёри кичик бўлгандаги ер қобиғини турларга ажратиш натижалари ҳозирда мавжуд нефть ва газ конлари маълумотлари билан эталон сифатида “Ўқитилиб”, конларнинг турлари бўйича табақалашган прогноз хариталари тузилди. Харитага мувофиқ 18 та эталон ячейкалардан фойдаланган ҳолда, 30 та прогноз ячейка аниқланди. Уларнинг умумий майдони 48000 км² ташкил этади. Олинган натижалар геология қидирув ишларини самарадарлигини оширишга тавсия қилинган.

5. Замонавий эндоген режимларнинг сейсмиклик билан боғлиқлиги таҳлил қилинган. Содир бўлган кучли зилзилаларнинг таҳлили асосида Ўзбекистон ҳудудидаги кўплаб зилзилалар иссиқ платформа (38%) ва ороген 1-босқич (34%) қобиқ турларига тўғри келади. Ммах 7 ва ундан юқори зилзилалар эса иссиқ платформа ҳудудларида чуқур ер ёриқлари зонаси билан боғлиқ. Ороген ҳудудларда, ороген 3-босқичнинг тафроген режим билан алмашган ҳудудларига тўғри келади.

6. Ммах бўйича табақалаштирилган Ўзбекистон ҳудудининг эҳтимолий зилзила ўчоқлари харитаси тузилди. Олинган харита Республиканинг умумий сейсмик районлаштириш харитаси билан мослик даражаси мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, баъзи сейсмоген зоналарнинг Ммах бўйича қийматларига аниқлик киритилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТУХТАСИНОВ АХМАДЖОН ХАСАНЖОН УГЛИ

**ТИПИЗАЦИЯ ЗЕМНОЙ КОРЫ ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА НА
ОСНОВЕ КОМПЛЕКСА ГЕОЛОГО-ГЕОФИЗИЧЕСКИХ ДАННЫХ**

04.00.06. – Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2022.1.PhD/GM123

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещен на веб-странице совета (www.seismos.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Атабаев Дилшот Хусаинбаевич доктор геолого-минералогических наук
Официальные оппоненты:	Хамидов Лутфулла Абдуллаевич доктор физико-математических наук
	Юлдашев Гофир Юлдашевич доктор геолого-минералогических наук
Ведущая организация:	Институт Геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева

Защита диссертации состоится «21» февраля 2023 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте сейсмологии, (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Зулфияхоним, 3, Тел. +99871-241-51-70; +99871-241-74-98; E-mail: seismologiya@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Сейсмологии (регистрационный номер №1148 (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Зулфияхоним, 3, Тел. +99871-241-51-70).

Автореферат диссертации разослан «6» февраля 2023 г.
(реестр протокол рассылки №11 от «6» февраля 2023 г.)

К.Н. Абдуллабеков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

З.Ф. Шукуров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по г.-м.н.

С.Х. Максудов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой практике при разведке месторождений нефти и газа и при оценке сейсмического риска, стихийных бедствий важное значение имеет использование технологии комплексной интерпретации геолого-геофизических данных. Методика типизации земной коры на однородные участки (решение классификационной задачи) методом кластерного анализа создает большие возможности для изучения эндогенных процессов, прогнозирования мест скопления УВ и выявления перспективных площадей, что является актуальной на сегодня задачей. Это в свою очередь позволит увеличивать запасы УВ сырья и служит укреплению материально-сырьевой базы нашей Республики.

В мире проводятся ряд научных исследований в рамках поиска перспективных участков месторождений нефти и газа. В этой связи особое внимание уделяется изучению глубинного строения земной коры, её типизации, выделению современных эндогенных режимов, комплексной интерпретации современных эндогенных процессов для выявления перспективных на УВ площадей.

В результате большого внимания, уделяемого развитию геологической сферы в нашей стране, ускоряются геолого-геофизические разведочные работы, достигается определение запасов новых месторождений полезных ископаемых и обеспечение сейсмической безопасности регионов. В стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы основные определены задачи "...резкое увеличение объемов геологоразведочных работ..., расширение базы минерального сырья, необходимого для экономики". В связи с этим, важным считается типизация земной коры на типы на основе современной структуры и параметров геофизического поля, количественный анализ и математическое моделирование эталонных сейсмических объектов, а также оценка генерации нефти и газа и сеймотектонического потенциала земной коры.

В определенной степени результаты работы данной диссертации служат выполнению задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан от 18 ноября 2019 года № 4522 "О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ", № 5066 УК от 1 июня 2017 года "О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций", № 60 PF-28, 2022 г. - "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2026 год" и других нормативных правовых актах, связанных с этой сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день в рамках

исследований проведены масштабные геолого-геофизические работы.

Были проведены геолого-геофизические, сейсмологические работы различного масштаба по нефтегазоносным регионам, расположенным на территории, а также по сейсмоактивным полигонам. История геологического развития исследуемой территории подробно изложена в научных работах Д.И.Мушкетова, Х.М.Абдуллаева, В.И.Попова, И.Х.Хамрабаева, Т.Н.Долимова, В.И.Троицкого, В.Г.Гарьковца, И.А. Фузайлова, А.А.Абидова, Ф.Х.Зуннунова, Б.Б.Таль-Вирского, Т.Л.Бабажанова, О.П.Мордвинцева, Г.С.Абдуллаева и Ф.Г.Долгополова, И.А.Резанова, С.Д.Макаровой, И.Е.Губина, Е.М.Бутовской, В.И.Уломова, Р.Н.Ибрагимова, А.А.Борисова, Г.А.Мавлянова, А.Р.Ярмухамедова, Қ.Н.Абдуллабекова, С.Х.Максудова, Т.У.Артикова, Р.С.Ибрагимова и др.

